«MA'QULLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog'ini rivojlantirish agentligining «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish davlat markazi» DUK
«30» 11 2021 y. № 25

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ЭРИКОН

Препаратнинг савдо номи: Эрикон
Таъсир этувчи модда (ХПН): лактобациллалар и бифидобактериялар.
Дори шакли: капсулалар.
Таркиби:
1 капсула қуйидагиларни сақлайди:
фаол компонентлар: Лактобациллалар (Lactobacillus acidophilus) 220,0 мг (2,5 x 10^9 спор), Bifidobacterium longum (0,833 x 10^9 миллион спор), Bifidobacterium bifidum (0,833 x 10^9 спор), Bifidobacterium infantis (0,833 x 10^9 спор), Общее количество бифидобактерий (Bifidobacteria) 220,0 мг (2,5 x 10^9 спор)
Таърифи: корпуси тўк-кўк ва қопқоқчаси мовий рангли, деярли оқ рангли кукун сақловчи қаттиқ желатин капсула.
Фармакотерапевтик гуруҳи: Эубиотик
АТХ коди: A07FA01.

Фармакологик хусусиятлари
Ичак микрофлорасини нормаллаштиради. Ичак микрофлораси (микробиоценози) нинг физиологик мувозанатини тутиб туради ва бошқаради, унинг ичакдаги физиологик фаолиятини таъминлайди.
Эрикон препаратининг таркибидаги бактериялар дисбактериозда ичак микрофлорасининг бузилган мувозанатини тиклайди.
Препарат таркибига кирувчи лиофилизация қилинган сут кислотасини ҳосил қилувчи бактериялар ичакнинг нормал микрофлорасини таркибий қисми ҳисобланади, ичакнинг ҳамма соҳаларида микробиоценознинг физиологик мувозанатини тутиб туради ва бошқаради, патоген ва шартли патоген флорага нисбатан яққол антагонистик хусусиятларга эга, B_1, B_2, B_6, B_{12} (табиатда фақат микроорганизмлар томонидан синтезланади), РР, К ва Е витаминлари, фолат ва аскорбин кислотаси синтезида иштирок этади, организмни биотинга бўлган эҳтиёжини қоплайди, иммунитетни стимуллайдиган хусусиятларга эга. Ишлатилаётган микроорганизмлар сут кислотасини ҳосил қилиб ва ичакдаги pH ни пасайтириб темир, кальций, D витаминини сўрилишига қулай шароит яратади. Сут кислотаси ҳосил қилувчи бактериялар оқсиллар, ёғлар ва мураккаб углеводларни (шу жумладан, болаларда лактаза етишмовчилигида) ферментатив парчаланишини амалга оширади, ингичка ичакда сўрилмаган углеводлар ва оқсиллар йўғон ичакда анаэроблар томонидан чуқурроқ парчаланади. Препаратнинг таркибига кирувчи бактериялар кўкрак ёшидаги болаларда оқсилларни ҳазм бўлишини енгиллаштиради; ўт кислоталари метаболизмида иштирок этади (стеркобилин, копростерин, дезоксихолат ва литохол кислоталарини ҳосил бўлиши ўт кислоталарини реабсорбциясига ёрдам беради).
Эрикон "даволовчи" микрофлорани организмга миқдор ва сифат жиҳатидан мувозанатланган нисбатда тушишини таъминлайди.
Эрикон нинг антагонистик хусусиятлари унинг таркибига кирувчи микроорганизмлар томонидан сут кислотаси, камроқ миқдорда сирка ва пропион кислоталарини ишлаб чиқариши билан боғлиқ. Ҳосил бўладиган кислотали муҳит (ичакдаги pH 4,0-5,8 га яқинлашади) патоген ва шартли патоген микроорганизмларни ривожланиши учун ноқулай ҳисобланади.

Қўлланилиши

Дисбактериозни олдини олиш ва даволаш учун қўлланади:

- катталар ва болаларда, шу жумладан чақалоқлардаги дисбактериоз ва унинг кўринишлари (диарея, қабзият, метеоризм, кўнгил айниши, қусиш, қоринда оғриқ, чақалоқларда сутни қайт қилиш), диспепсия (овқат ҳазм қилишни бузилиши);
- микробларга қарши ва ўсмага қарши ("химиотерапевтик") дори воситалари билан даволашдан кейинги дисбактериоз;
- овқатланиш рационнини ўзгариши, сафарларга чиқиш ва бошқа сабаблар билан боғлиқ бўлган ичакнинг транзитор дисфункцияларини (диареяни ҳам, қабзиятни ҳам) даволаш учун қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Ичга қабул қилиш учун.

Янги туғилган чақалоқлар ва 2 ёшгача бўлган болалар: кунига 1 капсуладан;

2 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар: кунига 1-2 капсуладан;

Катталар ва 12 ёшдан ошган болалар: кунига 2-3 капсуладан.

Эрикон препаратини овқатдан олдин, кўп бўлмаган миқдордаги суюқлик билан қабул қилиш керак.

3 ёшгача бўлган болалар ва бутун капсулани юта олмайдиган пациентлар учун капсулани очиш, ичидагисини қошиққа тўкилади ва кўп бўлмаган миқдордаги суюқлик ёки овқат билан аралаштириб ичиш керак.

Даволашнинг давомийлиги дисбактериозни ривожланиш сабаби ва организмнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Ўртача даволаш курси 2 хафтани ташкил этади. Индивидуал даволаш курси шифокор томонидан аниқланади.

Ножўя таъсирлари

Сут кислотаси ҳосил қилувчи бактериялар қўлланганида ноҳуш самаралар жуда кам кузатилади. Аллергик реакция бўлиши мумкин.

Аллергик реакциялар ёки таърифланмаган ножўя самаралари пайдо бўлганида, Эрикон препаратини қабул қилишни тўхтатиш ва иложи борича тезроқ шифокорга мурожаат қилиш керак.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентлари ва сут маҳсулотларига ўта юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Бошқа дори воситалари билан клиник аҳамиятга эга бўлган ўзаро таъсири аниқланмаган.

Эрикон капсулаларини антибиотиклар ва химиотерапевтик воситалар билан бир вақтда буюриш мумкин.

Диареяни даволашда йўқотилган суюқлик ва электролитлар ўрнини қоплаш керак.

Махсус кўрсатмалар

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Эрикон препаратини ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш хавфсиз ҳисобланади.

Автотранспортни бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсири:

Эрикон препарати реакция тезлигини пасайтирмайди ва шунинг учун ҳайдовчилар ва иш фаолияти диққатни юқори жамлашни талаб қилувчи шахсларга буюриш мумкин.

Бошқа кўрсатмалар:

Эрикон препаратини иссиқ ичимликлар билан ичиш ва алкогол билан бир вақтда қўллаш мумкин эмас.

Эрикон препаратини қўллашдан олдин шифокор билан маслаҳатлашиш керак, агар Сизда:

- тана ҳарорати 38°С дан юқори бўлса,
- аҳлатда қон ва шиллиқ излари бўлса,
- диарея икки кундан ортиқ давом этса ва қоринда кучли оғриқ, сувсизланиш ва тана вазнини камайиши билан кечса,
- сурункали касалликлар: қандли диабет, ОИТС бўлса, шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Дозани ошириб юборилиши
Ҳозирги вақтда Эрикон препаратининг дозасини ошириб юборилиш ҳоллари юзасидан хабарлар берилмаган.

Чиқарилиш шакли
Бирламчи ўрам: 10 капсуладан алюмин фольга ва ПВДХ блистерда.
Иккиламчи ўрам: бир блистердан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити
Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 30°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати
3 йил.
Препаратнинг яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби
Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи
“Coral Laboratories Pvt. Ltd,” Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили
"SHAYANA FARM" МЧЖ Ўзбекистон Республикаси
Тошкент ш. 700057, Уста Ширин кўчаси 117-уй,
Тел.: 99(871) 2281692(93/94)
Факс: 99 (871) 2281695